ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Махсус сиртқи факультети

5141000- Мусиқий таълим йўналиши

3–курс 307– гуруҳ талабаси

АБИЛОВ АСАДУЛЛО АБДУРАШИДОВИЧНИНГ

Бакалавр даражасини олиш учун

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

## Мавзу: Мактабда мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш

Илмий раҳбар: Т.Ортиқов

НАМАНГАН – 2010

**Наманган давлат университети**

**Махсус сиртқи факултети Мусиқий таълим кафедраси**

**“Тасдиқлайман”**
**------------------------------**
**Кафедра мудири Н. Абдуллаев**
**“_____” __________ ______йил**

Талаба Абилов Асадулло Абдурашидовичга

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ**

1. Битирув ишининг мавзуси Мактабда мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш

“26 ” 08 200 9 й. кафедра йиғилишида маъқулланган.

**2. Битирув ишини топшириш муддати 05.04.2010 йил**

3. **Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар БМИ учун адабиётлар рўйхати тузилди, мавзу режалаштирилди, ёзишга методик маслаҳатлар берилд.**

4. **Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати Битирув малакавий иши киришдан, учта бобдан, ўнта парагрифдан июорат қилиб тузилган. Иш оҳирида фикр – мулохазалар якунланиб, хулоса ва таклифлар тақдим этилган.**

**5. Схемалар, нота ёзувлари, кўргазмалар, расмлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилсин)**
**Битирув малакавий ишини ёритишда учта қўшиқнинг нота матни ва ижодкор ўқитувчилар тасвинрланган ширма – буклет тақдим этилган.**

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

Махсус ситрқи факультети 5141000- мусиқий таълим йўналиши бўйича бакалавриат босқичини битирувчиси Абилов Асадулло Абдурашидович битирув малакавий иш мавзуси **Мактабда мусиқа дарсида ўқувчиларнинг ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш**

**Илмий рахбари: Ортиқов Тохиржон**

**НамДу ректорининг иш мавзуси ва рахбарининг бириктирилиши ҳақидаги буйруғи № 6 Б/С "25.11.09" ___ 2009 й.**

**Ишнинг кафедрага топширилган вақти. "05" 04 2010 й.**

**Имзолар: Талаба: ____________________**

**Илмий раҳбар: ____________________**

**Кафедра мудири: _____________________**

**Ишнинг ҳимояга такдим қилиш ҳақида кафедра мудирининг қарори: Битирув малакавий иши низом тлабларига кўра ёзилганлигини ҳисобга олиб, Давлат аттестацияси комиссиясига ҳимояга тавсия қиламан**

**Кафедра мудири имзоси: _________ сана 08. 04. 2010йил**

**Ишнинг тақризга юборилган вақти: 10. 04. 2010 йил**

**Тақриз қилинган вақти: 12. 04. 2010 йил**

**Махсус сиртқи факультети декани имзоси: ___________________________**

**Талаба** Абилов Асадулло Абдурашидовичнинг **битирув малакавий иш ДАКнинг "____" _______________ 2010 йилдаги йиғилишда ҳимояга тавсия қилинади.**

**Махсус сиртқи факультети декани: М.Курбангалиева**

6. Битирув малакавий иши бўлимлари бўйича маслаҳатчилар

| № | Бўлим мавзуси | Маслахатчи ўқитувчи Ф.И.О. | Имзо,сана | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Топшириқ берилди | Топшириқ бажарилди |
| 1 | Кириш | Т.Ортиқов | Сентябрь | |
| 2 | Мусиқа дарсида ўқувчичларни мустақил фикрлашга ўргатиш | Т.Ортиқов | Ноябрь | |
| 3 | Мусиқа дарсларида ижодкорлик фаолияти | Т.Ортиқов | Январь | |
| 4 | Хулова ва таклифлар | Т.Ортиқов | март | |

**7. Битирув ишни бажариш режаси**

| № | Битирув иши босқичларининг номи | Бажариш муддати (сана) | Текширувдан ўтказганлик белгиси |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўқувчиларда фикрлаш ва ижодкорликни ривожлантириш | 10. 09 2009 йил | |
| 2 | Боллаарда миллий ғурурни таркиб топтириш | 11. 11. 2009 йил | |
| 3 | Ўқувчиларни ижодий фаоллигини ошириш йўллари | 24. 11. 2009 йил | |
| 4 | Ўқувчиларда изланиш малакаларини ўстириш | 23. 12. 2009 йил | |
| 5 | Мустақил таълим орқали ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини ўстириш | 21. 01. 2010 йил | |
| 6 | Болларда ижодкорликни камол топтиришда мусиқа дарсининг роли | 18. 02. 2010 йил | |

**Битирув иши раҳбари : Ортиқов Тохиржон ------------------------------**
**(имзо)**

**Топшириқни бажаришга олдим :** Абилов Асадулло Абдурашидович --------------------
**(имзо)**

**Топшириқ берилган сана : “ 10 ” 09 2010 йил.**

**Кафедра мудири: Неъматжон Абдуллаев ----------------------**
**(имзо)**

**ИЛМИЙ РАҲБАР ХУЛОСАСИ**

**Курси III 5141000 -** ***Мусиқий таълим*** **йўналиши**
**Ф.И.О.** Абилов Асадулло Абдурашидович
**БМИ мавзуси** Мактабда мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш

**БМИнинг Низомга мувофиқлиги** Мавзунинг баён қилиниши амалдаги БМИ тўғрисидаги Низом талабларигав мос келади.

**Илмий янгилиги ва амалий аҳамияти** ДТС да янги фаолият деб берилган бу фаолият долзарблиги билан фарқ қилиб, у кўп манбаалардан фойдаланган ҳолда илмий нуқтаи назаридан очиб берилган

**Тадқиқот мақсадига эришганлиги** Ҳимоячи мавзусига кўра илмий асосда режа тузган ва уни ўзи фаолият олиб бораётган ўқув даргоҳида синовдан ўтказган. Берган ьфикр ва хулосалари асосида ўз мақсадига эришган

**Хулоса ва таклифларнинг сифати** икки боб ва ўнта парагрифга кўра фикрлар якунланган. Иш илмий асосда ёритилган ва сўнгида ўз таклиф ва хулосаларини тавсия этган

**Хулоса** "Мактабда мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш" вазифалари Низом талабларига кўра ёзиб бўлинганини ҳисобга олиб, ишни Давлат аттестацияси комиссиясига таклиф қилинди.

**Илмий рахбар:** **Тохиржон Ортиқоа**
**Мусиқий таълим кафеждраси ўқитувчиси**

**Т А Қ Р И З**

**Курси 3 5141000 - *Мусиқий таълим* йўналиши**

**Ф.И.О.** Абилов Асадулло Абдурашидович

**БМИ мавзуси** Мактабда мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш

**БМИнинг долзарблиги ва амалий аҳамияти** Ҳимоячи танлаган мавзусида ўқувчиларнинг ижодкорлигини оширишни янги услубларни баён қилади. ДТС талабларига ҳам жавоб беради.

**БМИнинг тузилиши ва таркиби** Кириш, уч боб, унта парагриф хуласа ва таклифлардан иборат

**БМИнинг натижаларини асосланганлиги** Ҳимоячи БМИни ўзи ишлаётган 37 – умумтаълим мактабида синовдан ўтказиб, илмий асосида ўз фикрларини асослаб берган

**БМИ нинг кўрсаткичлари** БМИ нинг ёзилиши низомга кўра бажарилган Ҳимоячи ўз олдига қўйган мақсадига эришган.

**Хулоса** Ҳимоячи иш олиб борган ушбу мавзуда ўқувчиларнигн ижрочилик малакаларини оширишнинг энг замонавий услублари кўрсатиб берилган.ушбу масала ҳам бугунги кунда мусиқа тарбиячилари олдидаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу БМИнинг ДАК га ҳимоя учун тавсия этаман

**Тақризчи:** М.Мирабдуллаев НамДУ махсус сиртқи бўлими Мусиқий таълим кафедраси ўқитувчиси

**Сана: _12. 04. 2010 йил**

**ТАШҚИ Т А Қ Р И З**

**Курси 3 5141000 - *Мусиқий таълим* йўналиши**

**Ф.И.О.** Абилов Асадулло Абдурашидович

**БМИ мавзуси** Мактабда мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш

**БМИнинг долзарблиги ва амалий аҳамияти** Танлаган мавзу ўзининг долзарблиги ва аҳамияти билан шу кунни талабларига жавоб беради.

**БМИнинг тузилиши ва таркиби** БМИ кириш, уч боб, унта парагриф хуласа ва таклифлардан иборат қилиб тузилган

**БМИнинг натижаларини асосланганлиги** Ҳимоячи БМИни ёритишда ДТСдан, методик адабиётлардан, дарс кузатув натижаларидан, ижобий фойдаланган.

**БМИ нинг кўрсаткичлари** **Ҳимоячи** БМИ нинг ёзилиши низом талабларига кўра ёритишга ҳаракатқилган ва у ўз олдига қўйган мақсадига эришган.

**Хулоса** Мактабда мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш номли мавзу ҳозирги кунда мусиқа тарбияси тизимида энг долзарб мавзулардан бўлиб, бу ҳам кўпрпоқ ёритиладиган соҳа ҳисобланади. БМИда узвий камчиликларбўлишига қарамай юқори савияда тушунарли баён этилган ва мен буни ДАК га ҳимоя учун тавсия этаман

**Тақризчи:** М.Мирзамова Наманган вилояти Наманган тумани 37 – умумтаълим мактаб диретори

**Сана: 12. 04. 2010 йил**

**РЕЖА:**

**КИРИШ.**

**I. боб. Мусиқа дарсларида ўқитувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш.**

1. Дарс жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ижодкорлик хусуксиятларини шакллантириш.
2. Қўшиқ воситасида болаларда миллий ғururни таркиб топтириш.
3. Мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш йўллари.

**II. боб. Мусиқа дарсларида ижодкорлик фаолияти**.

1. Ўқувчиларнинг изланиш малакаларини ўстиришда ижодкорлик фаолияти.
2. Мусиқа тинглаш орқали болаларда ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш.
3. Мусиқага ритмик жўр бўлишда ва ритмик ҳаракатларда ижрочилик ва ижодкорликка эришиш.
4. Ўқувчичларда ижодкорликни камол тиоптиришда мусиқа дарсининг аҳамияти ва унда ўқитувчининг роли.

**III. боб Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозини бартараф этиш йўллари ва чоралари.**

1. Президент И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” ҳақида
2. Мусиқа санъатида инвестицион муҳитни қарор топтиришнинг ўзига хос жиҳатлари.
3. Президент И.Каримовнинг 2010 йил 27 январда Вазирлар Маҳкамасида “Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзусида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ва хулосалар.

**Хулоса ва таклифлар.**

# КИРИШ.

Эстетик тарбия муаммоларига доимий ва жиддий эътибор, инсонни қуршаб олган борлиқдаги гўзалликка, ёшларни адабиёт ва санъат оламига яқинлаштириш мактаб ҳамда баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг ўзига хос қатъий хусусиятларидан биридир.

Мусиқа дарслари, тўгараклар, ҳаваскорлик ижодиёти, баҳс ва мунозараалр, санъатни ўрганиш дарслари ва ҳакозолар мактаб ҳаётига жўшқинлик бахш этади, ўқувчиларнинг диққат – эътиборини эстетик жиҳатдан мустақил билим олиш ва ўз – ўзини тарбиялаш масалаларига жалб қилади.

Умумтаълим мактабларининг, умуман ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш тизимининг кейинги ривожланиши билан мактабда адабиёт ва санъатнинг мавқеи мустахкамланиб боради. Педагогика фани дастур ҳамда дарсликларни тузди ва такомиллаштирди, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар яратилди, ўқувчиларни ҳаёт санъатдаги гўзаллик олимига жалб этишнинг янги шакллари ишлаб чиқилди. Ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари бадиий – ижодий фаолияти шакл ва методларни ривожлантириш ғояларининг вужудга келиши ҳамда мустаҳкамлашни алоҳида аҳамият касб этди, ҳозирги шароитда мактабнинг ривожланиши учун энг самарали омил бўлди.

Мусиқавий эстетик тарбия масалалари ҳозирги замон педагогикасида тарбиянинг умумий муаммолари билан боғлиқ ҳолда қаралади.

Мусиқиавий эстетик тарбияда мусиқани идрок қилиш малакаларини фаол ривожлантириш, санъат ва атроф – муҳитдаги гўзал нарсаларга муҳаббат туйғусини ҳамда ўз ҳис туйғуларини мусиқа тилида ижодий намоён қилиш қобилиятини шакллантиририш катта рол ўйнайди.

Мусиқадаги гўзалликни фаол идрок этиш тафаккур фаолиятини талаб қилади. Мусиқа ижодида ва идрокида интелектуал асосни қарор топтиришдан ҳеч қачон вос кечмаслик керак. Мусиқани тинглар эканмиз, у ёки бу ҳолатларни ҳис этиб бошдан кечирибгина қолмасдан балки идрок қилмаётган материални фарқлаймиз, бинобарин, фикр юритамиз.

Эстетик ижрокни, эстетик дидларни тарбиялаш, бадиий қобилиятларни ривожлантириш доимо ақлий ва ахлоқий тарбия билан ўзаро таъсирда бўлади.

Ҳозирги замон мактабида мусиқавий тарбия тизими кўпгина элементлардан ташкил топади, булар: мусиқа дарси, мусиқадан синфдан ва мактабдан ташқари иш олиб бориш, хор студиялари ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, вокал ва чолғу ансамбллари ва ҳоказо. Бу занжирда оммавий ахборот воситалари жуда катта рол ўйнайди. Тарбияловчи ва ривожлантирувчи воситаларнинг жами мусиқавий – эстетик муҳитни ташкил этадики, бу муҳитда ўқувчиларнинг мусиқа соҳасидаги қизиқиш ва эҳтиёжлари бунёд бўлади.

Ушбу “мусиқа дарсларида ўқитувчининг ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш” номли битирув малакавий ишида ўқувчиларнинг яшириниб ётган истеъдодларини рўёбга чиқариш, уларнинг мусиқа ўқувчи, тембр ўқувчи, ритм туйғусини ва мусиқа хотирасини камол топтириш масалалари ҳақида фикр юритилади. Гарчи дарсда ижодкорлик фаолияти давлат таълим стандартига кўра янги бўлсада, уни ҳаётий тажриба, изланишлар самарасига кўра, моҳир педагогларнинг маслахатлаори ва уларнинг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш натижаларига асосан ёритиб беришга ҳаракат қилдим. Ижодкорлик фаолияти ҳақида педагогика, психология ва метик дарсликларда учраманганлиги сабаблиреспубликамизнинг газета ва журналларида шу мавзуга оид мақола ва ишланмалардан фойдаланишга уриниб кўрдим. Шу асосда битирув малакавий ишимни баҳоли қудрат ёзиб тугатдим.

Мактабда мусиқа таълими ва тарбиясининг асосий ш шакли, базаси маориф вазирликлари томонидан тавсия этилган дастурлар асосида олиб бориладиган мусиқа дарсларидир. Машғулотларда ўқувчиларни мусиқа соҳасида ҳар томонлама ривожлантириш назарда тутилади, уларнинг мусиқавий маданиятига замин яратилади.

Синфдан ва мактабдан ташқари мусиқа тарбияси дарсда ўқитиш тизимига таянади, ҳамда ўқувчиларнинг мусиқага қизиқиши ва эҳтиёжларини изчиллик билан ривожлантириб боради.

Мусиқа дарсининг ўзига хос томони шундан иборатки, дарсда мусиқа таълими вазифаларидан ташқари бадиий ижрочилик вазифалари ҳам қўйилади. Бу гаплар биринчи навбатда мактабда мусиқадан таълим беришнинг фаол ша4кли бўлган жамоа бўлиб қўшиқ айтишга тааллуқлидир. Жамоа бўлиб қўшиқ айтиш фақат мусиқа қлбилиятларини эмас, балки ҳарактер сифатини, дунёқарашни, бадиий дидни, эстетик туйғуни ҳам ривожлантиради. Жамоа бўлиб

қўшиқ айтиш дарсда олиб бориладиган ишларнинг хилма – хил шаклларини қўшиқ ижро этишни, мусиқа саводини, мусиқани идрок қилишни, мусиқа асбобларида чалишни, вокал импрвизация яъни, эркин ижод қилишни ўзида бирлаштиради.

Мусиқа дарси мусиқа ижодининг қувончини англаш туйғусини беради, гўзалликка даҳлдорлик туйғусини, композитор ёки халқ мусиқа асарига жо қилган ахлоқий эстетик мазмундан ҳузурланиш қобилиятини шакллантиради. Дарсда ижолий фаолиятнинг бир – бири билан мустахкам боғланган ҳамма турлари самарали бўлади.

Дарсда болаларни тарбиялаш, ўқитиш, уларга таълим бериш биргаликда ва ўзаро алоқада амалга оширилмоғи керак.

## I. Боб. Мусиқа дарсларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш.

### 1. Дарслар жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ижодкорлик хусусиятларини шакллантириш.

Умумий таълим мактаби ўқувчиларини профессионал мусиқа фаолиятига тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Бироқ мусиқани тушуниш, уни идрок қилиш ва ундан таъсирланиш қобилияти ҳар бир ўқувчига, у келажакда профессионал мусиқачи бўладими ёки мусиқа маданиятининг ғоят хилма – хил мусиқавий эстетик фаолиятининг асосий билимларига, кўникма ва малакаларига эга бўлган яхши тайёрланган тингловчи бўлиб қоладими, бундан қатъий назар хос бўлмоғи керак.

Ёш авлодни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш истиқлол даври ўзбек педагогикасининг энг долзарб вазифаларидан биридир. Шунга монанд тарзда таълим олувчи ўқувчиларнингт мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатишнинг янги ва самарали йўлларини излаб топиш фақат ўқитиш методикаси соҳаси тараққиёти учун эмас, балки баркамол шахс тарбиясини амалга оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирга қадар яратилган илмий адабиётларда мусиқий билим олувчи ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш борасида гарчи йўл – йўлакай бўлсада, турлича қарашлар мавжуд. Масалан бази бир олимларнинг фикрича, ижодий фикрлаш малакасин шакллантириш учун ўқувчиларнинг билимини англаб ўтиш имкониятларини ривожлантириб турли илмий ахборотлардан тўғри хулоса чиқариб олишга ўргатиш жараёни муҳим ҳисобланади. Мазкур назарий қарашнинг аҳамиятли томони шундаки, ундан барча турдаги мусиқий машғулотлардан фойдаланиш мумукин.

Мусиқий таълимнинг таниқли методистлари фикрича, аввал ўқувчиларга тинглаш учун репертуар танлаш, муайян мусиқий асарни ажратиб олиш, ажратиб олинган асарни намунали ижроси намойиш этилиши тавсия қилинади. Бироқ олимлар ўқувчи ижроси намунадаги ижро билан қиёсланиб ўқувчига зарур маслаҳатлар берилиши лозимлигини эътибордан четда қолдиришган. Бизнингча, танланган репертуардаги мусиқий асар ўқувчи томонидан ижро этилганда асарнинг ҳар бўлими намуцнавий ижро билан босқичма – босқич қиёсланиб бориши лозим. Шундагина ўқувчи ўзининг камчиликларини тез илғаб олади.

Мутахассисларнинг фикрича, мусиқа саводи дарсларида ўқувчиларни тасаввур ва афаккур қилишлари учун ўқитишнинг икки асосий йўналиши мавжуд. Улар беш чизиқли нотада кўп ишлатиладиган шартли мусиқа белгиларини пухта ўзлаштириш, мелодия, ритм, интервал, аккордлар миллий мусиқанинг асосий шакли, дирижёрлик малакасини шакллантириш. Мутахассис томонидан алоҳида кўрсатилган белглар мусиқий таълим учун умумий характерга эга. Бундан ташқари мутахассис таъкидлаган “Тасаввур ва тафаккур, хёл” нинг шаклланиши деган гап. Тўғри, тадқиқотчи томонидан қайд этилган миллий мусиқанинг ўзига хос томонларини тушунтриш ва мусиқа тинглашда асарни тўлиқ эшиттиришдан ташқари уни қисмларга бўлиб такрорлаш, мусиқа саводи, қўшиқ куйлаш ҳамда мусиқа тинглашни узвий боғлиқлигини таъминлашўқувчиларга ижодий мусиқий тафаккур юрита олиш кўникмаларини шакллантиришга хзмат қилиши мумкин. Бироқ бу жараёнда ҳам турлича аниқ методик ёндошувлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш талаб этилади.

Мусиқа дарсларида ўқувчидларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатишнинг энг қулай усулларидан бири мусиқа машғулотларида ижро ва қиёслаш методидан фойдаланиш бўлиб, у қуйидангича амалга оширилади. Бунинг учун мусиқа ўқитувчиси мусиқа дарларини ўқувчи тарбиясига таъсирини ҳисобга олган ҳолда шартли равишда гуруҳларга жратиши зарур. Мусиқа дарсларини гуруҳлаштирувда ўқувчиларнинг муксиқа фанига муносабати инобатга олиниши шарт. Мана шу нуқтаи назардан ёндошилса, дарснинг таркибий қисми: мусиқа тинглаш, кейин мусиқа саводхонлиги ҳамда ижро таққослашдан борат бўлади. Айниқса, дарснинг учинчи – ижро ва қиёслаш босқичида ўқувчи ёки ўқитувчининг ўтилган мавзу юзасидан билимлари текширилади. Ижро ўқувчи томонидан амалга оширилади. Ўқувчи ижроси намундаги ижро билан таққосланиб таъкидма – таъкид унинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қитлинмоғи зарур. Мусиқа таълимига бу усулда ёндошиш билим олувчини ўз устида мустақил ишлашга, мусиқий асар ижросига ижодий ёндошишига ундайди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, мусиқий таълим доирасидаги билимларни ҳамма ўқувчи бир хилда ўзлаштира олмайди. Чунки уларнинг мусиқий асарни англаш, мусиқий жанрларга муносабати турлича. Мана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда юқоридаги ижро ва қиёслаш методидан фойдаланишган олдин таълим олувчиларни ҳам муайёян гуруҳларга ажратиш яъни табақалаштириш лозим.

Ўқувчилар билан якка ҳолда машғулотлар олиб боришда юқорида тавчия этилган ижро ва қиёслаш методи муҳим аҳасмият касб этади. Чунки бундай машғулотларда якка ҳолда иштирок этувчи ўқувчини унинг маҳоратидан, ўзлаштиришнинг даражасидан қатъий назар ўқитувчи ўзига рухан эргаштириш, ўзининг профессионал ижроси билан аввало, уни қойил қолдириш ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ҳозирда кун ўқув талаби ўқувчиларга таълим беришда: “Мен ўргатаман, сен ўрган” қабилидаги эски усуллардан воз кечишни тақозо этмоқда. Энди ўқувчи дарс жараёнида шунчаки тингловчи эмас, балки фаол иштирокчига айланиши лозим. Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси мадҳияси” ни тинглаш ва куйлаш умумий ўрта таълим мактабларининг баррча синфлари дастурига киритилган. Айниқса, юқори синф ўқувчиларидан Давлатимиз мадҳиясини макаммал ва беками кўст куйлаб бера олишлари талаб этилади. Мавзун пухта ўзлаштириш мақсадида, биз дастлаб, VII синф ўқувчилари билан шу борада суҳбат ўтказдик. Суҳбат асносидаги саволлар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Саволлар: Давлат мадҳияси бошқа саволлардан нимаси билан фарқ қилади? Уни қай даражада ижро этишади? Мадҳиямиз куйланганда биз қандай туйғуларни хис этамиз?

Ўқувчилар саволларга жавоб беришда имкон борича ўз фикр тушунчаларини тўла ифодалашга ҳаракат қиладилар. Бу жараёнда барча ўқувчилар қатнашишлари лозим. Акс ҳолда, 2-3 ўқувчи фаоллик кўрсатиб, қолганлари ўзини камситилгандек ҳис қилиши мумкин. Ушбу шубҳада ўқитувчи бевосита иштирок этмасада, у суҳбат маъросимини бошқариб борувчи масъул ҳисобланади. Ўқувчилар берилаётган ахборотларни ўқитувчидан эмас, балки ўз синфдошларидан оладилар, бу эса уларни янада фаоллик кўрсатишга ундайди.

Жавоблар: Давлат мадҳияси бу оддий қўшиқ эмас, балки у давлатимизнинг белгисидир. Конститутциямизда Ўзбекистон Республикамизнинг рамзлари берилган, булар;байроқ, герб, мадҳия ва пул бирлиги (валюта) дир. Уларнинг ҳар бири давлатимизнинг мустақиллигини белгилаб берувчи рамзлардир.

Мадҳиямиз – Рспубликамизнинг мусиқий ифодаси. Ҳар бир давлатнинг ўз мадҳияси бор. Давлат раҳбарларининг учрашувларида ша мамлакатларнинг мадҳиялари ижро этилади. Турли мажлислар, мусобақалар, байрамлар, кўрик – конкурслар ҳам мадҳиямиз билан

очилади. Мадҳиямизда Ўзбекистонимизнинг номи улуғланади. Юртимизнинг табиати, халқи, миллатлараро тотувлик, Она Ватанимизга бўлган садоқатимиз, меҳримиз ҳақида куйланади.

Она Ватанимизни жондан севишимиз белгиси сифатида, унинг ҳурматини улуғлашимизни неамоён этишимиз мадҳиямизни ўрнимиздан туриб, ўнг қўлимизни чап кўксимизга қўйиб куйлаймиз. Шу аснода, қалбимизда улуғвор, мустақил давлатимиз борлигидан фахр туйғуси пайдо бўлади. Мадҳия куйлаш жараёнида динамик туслардан фойдаланиш уни янада ифодали қилиб куйлашга имкон беради. Дастлаб динамик белгилардоскага зиб чиқилади. Ёки кўргазмали қурол воситасида кўрсатилиб, уларнинг ҳар бири қандай тусни ифодалаши ҳақида фикр алмашинади. Шундан сўнг, бу белгилардан амалиётда фойдаланиш устида иш олиб борилади.

Ўқувчилар бу белгиларнинг нимани ифолаши хусусида батафсил, қийналмасдан сўзлаб бера оладилар. Чунки, олдинги дарсларда булар ҳақида ўқувчиларга атрофлича тушунча бериб ўтилган. Мадҳиянинг ҳар бир қатори куйланганда унинг қайси динамиктусда ижро этиш лозимлиги борасида фикр юритилади. Ўқувчилар уни ўзлари мустақил равишда белгилаб оладилар, ўқитувчи эса жавобларнинг қай даражада тўғри эканлигига баҳо бериб боради ва шу қаторни қайта куйлаганда белгиланган динамик тусга хос жарангдорликка уларнинг эътиборини қаратади. Ўқувчилар шу тариқа маълум билимларни ақлий идрок эта бошлайдилар.

Умумий ўрта таълим мактабларининг “Мусиқа маданияти” дарсларига киритилган куйлаш учун мўлжалланган асарларнинг аксарият кўнгиллилиги куплет шаклида ёзилган бўлиб, уларн куйлаётганда ўқувчиларнинг ижодкорлик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мулоҳазаларимиздан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги тавсияларга диққатни қаратиш ўринлидир.

1. Ўқувчиларда қўшиқ ўрганиш жараёнида, мустақиллик хусусиятларини шакллантириш учун асарнинг шеърий матнини суҳбат йўли билан таҳлил қилиш лозим ва бунда ўқувчиларнинг фаол иштирок этишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

2. Асарга хос динамик тусларни танлаш вазифасисни ҳам ўқувчиларнинг мустақил фикрлари асосида амалга оширилади.

3. Ўқувчиларнинг ижодкорлик хусусиятларини шакллантириш учун бошловчи куплет ва нақоратни мукаммал ўрганиш, қолган куплетларни эса, ўқувчиларнинг ўзлари топиб, куйлашларига имкон бериш жоиздир.

Мазкур усуллардан куйлаш учун мўлжалланган барча асарларни ўрганиш жараёнида имкон қадар фойдаланиш мумкин.

Мусиқа асарининг мазмунини тушуниш тингловчининг умумий маданиятига, шунингдек унинг махсус тайёргарликка эгалигидек унинг махсус тайёргарлик ўз навбатида тингловчи эътиборининг фаоллик даражасига таъсир кўрсатади. Шу нарса яхши маълумки, мусиқадан тайёргарлиги бўлган тингловчиларнинг идрокибайроқ бўлади. Мусиқани тушунадиган ўқувчининг мусиқа асарларига қизиқиш доираси моданинг таъсирига камроқ берилади, бадиий диднинг юксак даражаси билан ажралиб туради. Мусиқа шаклининг ўзитга хос томонини, мазмунини, мусиқанинг ривожланиш, тарихини тушуниш асосида, тингловчи сифатида катта тажрибага эга бўлиш, мусиқавий – ижодий фаолият соҳасида ривожланган кўникма ва малакаларга эга бўлиш асосидагина мусиқа асарини тўлақонли идрок қилиш мумкин.

Мусиқавий ижодий қобилиятларни ривожлантириш ва бойитиш, мусиқани идрок этиш малакаларини шакллантириш, мусиқа санъатига қизиқиш билан қараш, ўқувчиларнинг бадиий  ҳаваскорлиги пухта ўйланган ва изчил тизим бўйича амалга оширилмоғи керак.

## 2. Қўшиқ воситасида болаларда миллий ғururни таркиб топтириш.

Мусиқа дарси ўзига хос фаолият турлари билан: мусиқа асарини тинглаш ва таҳлил қилиш, мусиқа билан ҳаракат қилиш, импровизация (эркин ижод) билан ажралиб туради. Улар бир – бирларидан меҳаник тарзда ажратилиши мумкин эмас, чунки бар – бири билан ўзаро боғланган ва баъзан бир – бирига сингиб кетган бўлади. Мусиқани тинглаш жараёнида ўқувчилар муайян миқдорда мусиқавий назарий билимлар оладилар, мусиқа тинглаш қобилияти тажрибасини тўплайдилар. Жамоа бўлиб қўшиқ айтиш, муцсиқа асбобларини чалиш, мусиқа остида ҳаракат қилиш импровизация жараёнида ижрочилик малакаларининг ривожланиши ўқувчиларни ўқув машғулотининг фаол, манфаатдор, эмоцилнал қатнашчиларига айлантириб қўяди.

Ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантриш ва такомиллаштириш ҳозирги кунда алоҳида эътибор қаратиладиган муаммолардан бири саналади. Зеро, миллий ғурурни юксалтириш орқали Ватанга, унинг истиқболига садоқат, ишонч туйғуларини тарбиялаш имкониятлари катта.

Қўшиқ воситасида миллий ғурурuни шакллантиришдан олдин “Ғурур” ва “Миллий ғурур” тушунчаларига эътиборни қаратмоқ лозим.

Ғурур сўзи фахр, ифтихор, қувонч каби маънолдарни англатади. Бу сўзлар мумтоз қўшиқларда, шеъриятда, насрда, халқ оғзаки фольклор ижодида маънодаги синоним сифатида фойдаланилади.

Миллий ғурур - майян миллатонинг ўтмишидан, бугунги тараққиётидан, миллий қадриятларидан, шу маконда яшаган ва жаҳон миқиёсида тан олиншган фан, илм, дин, адабиёт, санъат даҳоларидан, қомусий олимлардан, халқ қаҳрамонлари ва давлат арбобларидан ғурурланиш ҳиссидир.

Ўқувчиларда миллий ифтихор ва миллий ғурурни таркиб топтиришда маънавий юксак қадриятларга эга бўлган ўзбек халқининг маданий меросларидан бўлган куй ва қўшиқлардан фойдаланиш алоҳида аҳамиятьга молик. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари онгига миллий ғуурур тушунчасини синглиришда “Мусиқа маданияти” фани дастурига киритилган ранг –бранг қўшқларнинг мазмуни, уларнинг матни билан танишиши, унга монанд ижро услубларини белгилаш вқа ниҳоят жамоа бўлиб мусиқали ижро этиш орқали ўқувчиларнинг қалобига сингдириб борилади. Ҳар бир ўқув

йили “Ўзбекистон давлат мадҳияси” ни тинглаш ва куйлаш билан бошланади. Мадҳияни тинглаш орқали ўқувчиларда улуғвор, тантанали оҳангда жаранглаган “Ўзбекистон Давлат мадҳияси” қалбларни жунбушга келтиради.

“Мусиқа маданияти” дарсларида Ўзбекистон Давлат мадҳиясини тинлаш ва таҳлил қилишга, табиийки, бошқа ўқув фанлаврига нисбатан кўпроқ эътибор қаратилади. Ушбу мадҳияни матнига ўқувчилар эътиборини жалб қилмоқ лозим, ундаги сўзларни қўшиқ оҳангида ижро қилиш орқали ҳамоҳанг равишда қўшилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

**НОТА**

Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт, нажот – деган 1- мисранинг биринчи қаторидаги сўзларни ўқувчиларга тушунтириб ўтиш зарур. Бунда Ўзбекистонимизнинг серқуёшлиги, йилнинг тўрт фаслида қуёш порлаб чиқиб туриши, инсонлар қалбига нур сочиш, асрлар давомида халқимизнинг эзгу ният мақсади мустақилликка эришганимизни, элимизнинг хур ўлкалиги, ҳамма – ҳаммага бахт нажод эканлигини айтиб, тушунтириш керак.

Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон – деган 2 – қатордаги сўзларни маъно – мақсадини тушунтириб, бунда Ўзбекисчьтон халқи бошқа миллат вакиллари билан дўст, иноқ бўлиб яшаш, бу дўстларга меҳрибонлигини таъкидлаб тушунтириш лозим.

Яшнагай то абад илмий фан ижод деган 3 – қаторда ҳозирги кунда мамлакатимизда ўқишга, илм олишга катта эътибор қаратилаётганлиги, янги мактаблар, лицейлар ва коллежларнинг ёшларига илму фан ўрганишга шароитлар яратиб борилаётганлигини айтиб, то абад миллатимизнинг ғурурини юксакларга кўтариб, илм фан ўрганиш кераклигини айтиш лозим.

Шухратинг порласин токи бор жаҳон – деган 4 – қаторда Ўзбекистон мустақиллигини бутун жаҳон тан олганлигини, жаҳон ҳаритасида алоҳида ғурур рамзи сифатида тушунтириш лозим.

**Нақоратда:**

Олтинбу водийлар жон Ўзбекистон
Аждодлар мардона рухи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон
Оламни махлиё айлаган, диёр.

Биз бу нақоратда Ўзбекистонимизнинг водийлари олтинданлиги, ҳар бир ерга қадалган уруғимиз олтинга баробарлигини авлод аждодларимиздан фахрланишимизни, биз уларнинг авлодлари

эканлигимиздан ғурурланишимизни улуғ халқимизнинг қудрати мустақиллигимизга жўр қанот эканлигини ва шу билан оламни ўзига махлиё этганини болалар тилида алохида тушунтиришимиз лозим .

Ўзбекистон мадҳиясини ўргатиш педагогик жараёни 1-4 синфларда турлича шаклланади:

1 синфда бу жараён тинглаш орқали амалга оширила бошланади. Бунда аудио ёзувларидан фойдаланилади.

2 синфда қўшиқ матни ва оҳанги ёдланиб ижро этила бошланади. Бунда фортепиано, қашқар рубоби, акардеон, баян каби мусиқа чолғу асбобларидан фойдаланилади.

3 синфда ўқувчига асарнинг туб моҳиятини ҳис қилиб куйлаш ўргатилади.

4 синфда ўқувчилар аввалги синфларга нисбатан бола ўз фикрига эга бўлаётган, жисмонан ва маънанўсаётган давр ҳисобланади. Бу даврда бола ўз “мен” ига эга бўла бошлайди. Шу боис айнан мадҳия ижроси пайтида улардаги фахр, ифтихор, ғурур туйғулари янада мустаҳкамланади.

5-6-7 синфларда ўқувчилар юқори синфга ўтганлиги сабаб ҳар бир соҳада уларнинг мустақиллиги сезилади. Айнан мусиқа йўналишида уларда ўсиш, интилиш ривожлваниши сезилади, уларнинг ижро малакалари ошади. Ҳар бир ўқувчи мадҳияни мустақил равишда куйлай олади, унинг моҳиятини чуқур ҳис қилиб қўшиқнинг матни оҳангини онгли равишда тафаккур орқали таҳлил қилиш даражасига эришади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув дастурларидан жой олган қўшиқларда ўзбекона ғурурни, ифтиҳорни ҳис қилиш дастлаб саломдан бошланади, деган муболаға бўлмаса керак. 1 – синф учун берилган бастакор Н.Норхўжаевнинг П.Мўмин шеърига ёзган “Салом берган болалар” қўшиғиаҳамиятлидир.

**НОТА**

Ушбу қўшиқ орқали ўқувчиларни онгига салам сўзининг муқаддаслиги, ўзбекнинг миллий урф – одатлари афзалликларини сингдириб борамиз.

1 – синф учун берилган шоир ҳам бор. Ота ва бастакор Н.Норхўжаевнинг “Дўппи кийган бола” қўшиғи ёш авлод қалбидан милли кийимларга, урф – одатларга бўлган муҳаббатни оширади.

Дўпписини каштасида
Акс этади тилим ей

Тепасида нур сочиб
Турар гўё тўлин ой
Дўппи кийган боланинг
Йўллари ёрқин бўлар
Меҳр тўла юраги
Халқига яқин бўлар

Бу қўшиқни куйлаган ўқувчиларда ўз халқига бўлган муҳаббати энг аввало миллий ғурур туйғусини шаклланишида илк ҳиссиётларга сабаб бўлади.

Қўшиқ матнини яхшилаб ўрганган бола асар мазмунини ўзича англаб етишга ҳаракат қилади.

Буюк бобоколонларимиз, ўтган аждодларимиз миллий ифтихоримиздир. Ўсиб келаётган ёш авлод қалбимизга уларга муҳаббатни сингдириш, миллий ғурур, ифтиҳорни ҳис қилишга омил бўлади. Ана шундай буюк бобоколонимиз Амир Темурга бағишланган “Темур бобом – менинг бобом” (Н.Нарзуллаев шеъри, С.Жамел мусиқаси) қўшиғи ўқувчи ёшлар учун севимли асардир.

Соҳибқирон темур бобом,
Амир бобом, жасур бобом.
Ўзбек элим баҳти, тахти
Буюк бобом, мағрур бобом
Сизни дилдан севар эдим,
Ёдга олсам, ўсар кўнглим.
Ақлингизга доно бобом,
Бош эгади етти иқлим.

Ўзбек мусиқа маданияти, шеъриятни ўқувчиларда миллий ғурурни шакллантириш учун бой манбаа ҳисобланади. Бу борада қўшиқлардан самарали восита сифатида фойдаланиш муҳимдир.

Бироқ дарсда ўқувчи фаолиятининг барча туррларига ва яна ўқувчининг ижрочилигига, ижодкорлигига мусиқани идрок қилиш асос бўлади. Мусиқани тушишин атрофдаги ҳаётни тўла – тўкис идрок қилиш учун зарурдир, чункипировардида санъат асари ва ҳаётдаги эстетик нарсанинг моҳиятига чуқур кириб бориш қибилияти мактаб ўқитувчиси шахсининг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради. Мусиқа дарсларининг вазифаси ўқувчиларни катта мусиқа санъати дунёсига олиб кириш, уларни мусиқани, унинг жуда бой шакл ва жанрлари билан биргаликда севиш ҳамда тушинишга ўргатишдан, бошқача қилиб айтганда мусиқа маданиятини, ижрочилик талантини,

ижодкорлик истеъдодини улавр маънавий маданиятини бир қисми сифатида тарбиялашдан иборатдир.

Ҳозирги замон мусиқа дарси худди анашу вазифани ҳал қилмоғи керак ва вазифани қфанчалик фаол ва аниқмақсадни кўзлаган ҳолда ҳал қилса, мактаб ўқувчиларига фақат мусиқавий таълим эмас, балки умуман дунёвий тарбия бериш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади.

## 3. Мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш йўллари

Умумтаълим мактабларида мусиқа тарбиясини ошира борар эканмиз, ўқитувчи олдида ўқувчиларни ўз дарсига, мусиқага қизиқиш ва ҳавас уйғотиш вазифаси туради. Мактабда айниқса бошланғич синфларда қўшиқ айтиш, мусиқа тинглашга нисбатанпайдо бўлган қизиқиш ва мойиллик, аста – секин ёшларнинг санъатга бўлган ижобий муносабатлари ва қолаверса еҳтиёжларининг тарбияланиб, шаклланиб боришида муҳим ўрин тутади.

Мусиқа дарси ўз табиатига кўра санъат дарсидир. Унинг ранг – баранг сермазмун ва қизиқарли ташкил қилиш ҳар бир ўқитувчидан катта педагогик ва прфессионал маҳорат талаб этади. Болаларни санъатга ўргатиш ниҳоятда мураккаб ҳамма мураккаблик шундаки, уларни эмоционал тарзда қизиқтирмай туриб, чинакам санъатга ўргатиш мутлақо мумкин эмас.

Бу ўринда мусиқий машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга молик. Мусиқани тушиниш, унинг оромбахш таъсиридан баҳраманд бўлиш билим, малака ва кўникмалар қатори эмоционал ҳис – туйғуларнинг иштирокига ҳам боғлиқ. Асарни ижро ва идрок этишда ҳис –туйғулар қанчалик фаол ва чуқур бўлса уларни тушниш ва ўзлаштириш, тўйиниш ва завқ олиш ҳам шунчалик онгли ва чуқур бўлади. Бу ҳолатлар ўз ўрнида ижодий фаоллик натижасида содир бўладиган жараёндир. Зеро зерикарли ва сокинлик холати синфда жонли ҳиссиёт холатини ташкил эта олмайди. Ўқувчиларни дарсга қиўиқтириш биринчи навбатда тинглаш ва ижро этиш учун тингланадиган асарлар репертуари билан боғлиқ. Бошланғич синфлар учун танланадиган асарлар репертуарининг асосий мезони ўқувчиларнинг ёшларига, қизиқишлари билим ва кўникмалар даражасига мос бўлиш, мавзунинг ранг – баранглиги, ғоявий – бадиий сифатини ҳамда педагогик

қиммати билан белгиланади. Бошқача сўз билан айтганда, мактабда ўқувчиларнинг ёшлари ва идрок этиш қобилиятлари мас келадиган ўтмиш ва ҳозирги замоннинг энг юксак ғоя ва образларини акс эттирадиган, ўзиннг шакл ва мазмуни билан гўзал ва ҳаётбахш, нафис ва ҳушоҳанг асарлар янграши лозим. Зеро, фақат мана шунду асарларгина ўқувчиларда дарсга нисбатан қизиқиш ва ҳавас уғота олади, аҳлоқий – эстетик ҳиссиётларини зарур бўлган қобилиятларини ўстириб боради. Бу ўринда замонавий қўшиқлар қатори халқ қўшиқларидан кенг оқилона фой даланиш дарсини янада қизиқарли ва сермазмун бўлишини таъминлайди, ёш ижрочиларда халқимиз ижодига, унинг мусиқа ва қўшиқ санъатига бўлган меҳр ва муҳаббат туйғуларини шакллантириб боради. Ҳар бир дарсда ижодий фаоллик юзага келади.

Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш дарсларни нақадар қизитқарли, мазмунли, тушинарли ва қолаверса, материалларнинг ранг – баранг бўлишларига боғлиқдир. Мусиқа асарлар, турфа тусдаги кўргазмали қуроллар, мусиқа ҳақидаги қизиқарли факт ва маълумотларга бой бўлган, бошидан охиригача суст бўлмаган суръатда ташкил қилинадиган дарслар ўқувчиларда катта таассурот қолдиради.

Мен Абдулло Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажон ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир” деган фикрни кўп лушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарбдир. Чунки таълим  тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва ва ривожи ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим – тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмай туриб эса биз кўзланган  олий мақсад озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди – деб айтган эди президентимиз Ислом Каримов.

Ҳозирги давр дунёдаги ғоявий қарама – қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура колигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Шунинг учун ҳам ёш авлодни миллий онг ва миллий мафкура руҳида тарбиялаш ишига барча воситалар ишга солинмоқда.

Бу борада мусиқа санъати хусусан қўшиқчилик икки буюк санъат – шеърият ва мусиқани ўзида мужассамлаштиргани ҳолда катта тарбия қуролига айланади.

Психолог олимларнинг фикрига кўра, мусиқа инсон бош мия ярим шарларида жойлашган асаб катакларининг энг ички қаватигача етиб боради ва у ерда мавжуд бўлган бой энергия захирасини ишга

солади. Бу ўз навбатидаги асар мазмунидаги ғояларни бадиий образларни янада яхшироқ тасавву қилишга имкон беради. Шунинг учун ҳам одатда “Сўз тамомо бўлган жойда мусиқа бошланади” дейилади. Яъни фикрни сўз билан ифода қилиб бўлмаган тақдирда уни мусиқа орқали ифодалаш мумкин бўлади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг “мусиқа маданияти” дарсларига киритилган қўшиқлардастурида ҳам истиқлолни, мустақиллигимизни, ўзлиогимизни, байрам ва анъаналаримизни, Она Ватанимизга бўлган чексиз туйғуларни ифодаловчи ўнлаб асарларни учратиш мумкин ва бу асарлар ўқувчиларда ижодий фаолликни ўстиришга хихмат қилади.

Хусусан “Мустақиллик лолаларимиз” Р.абдуллаев мусиқаси, Н.Назаров шеъри, “Ўзбекистон Ватаним Маним” Д.Омонуллаева мусиқаси, Ж.Жаббаров шеъри; “Мустақиллик айёми” Х.Рафиқов мусиқаси, Н.Нарзуллаев шеъри; “Наврўзжон” М.Отажонов мусиқаси, З.Мўминов шеъри; “Хунарманд ёшлар мадҳияси” Қ.Маъмуров мусиқаси ва шеъри; “Ислом бобо” Ш.Ёрматов мусиқаси, М.Раҳмон шеъри; “Истиқлол ҳақида қўшиқ” Қ. Маъмуров мусиқаси, Л.Қўлдашева шеъри; “Меҳржон” Р.Алимов мусиқаси, Қ.Ота шеъри; “Юртга садоқат” Ҳ.Рахимов мусиқаси, С. Барноев шеъри ва бошқаларни шундай мавзудаги асарлар сирасига киритиш мумкин. Айниқса бошланғич синфлар дастурида шу юксак маъно ва мақсадларга етакловчи қўшиқлар кўплаб киритилган.

Биз танлаган мавзунинг долзарблиги шундаки, мусиқа дарслари олдига таълим ва тарбия йўлида катта вазифалар қўйилган. Нафақат, маънавий, аҳлоқий – эстетик тарбияни амалга ошириш балки қўшиқ ва мусиқа санъати орқали ўқувчиларда комиллик, унинг гўзал табиати инсонларга муҳаббат, дўстлик, биродарлик, тинчлик ғояларини синглириш вазифалар белгиланган. Бу вазифалар мусиқа дарсларининг ҳар бир савиясида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ўстириш орқали амалга ошириш мумкин. Зерикарли суст, ланж, эҳтироссиз ўтказилган дарслар ҳеч бир самара бермаслиги шубҳасиз тўғри ва унинг акси ҳар бир машғулот жонли, қизиқарли, синфнинг фаоллиги даоражасида олиб борилгандагина кўзлаган натидаларни бериш муқаррар.

Шундай қилиб, мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш йўллари бўйича ўрганилган адабиётлар таҳлили кўрсатадики, бевосита ижодий фаолликни ўстиришга бағишланган адаиётлар саноқли. Улар ҳам бевосита мусиқа билан ижодий фаоллигини ошириш йўллари бўйича ўрганилган адабиётлар таҳлили

кўрсатадики, бевосита фаолликни ўстиришга бағишланган адабиётлар саноқли.

Энг муҳими бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавит руҳида камол топтиришда бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Бу масала айниқса болалар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этадиган мусиқа санъатининг аҳамияти беқиёс эканини барчамиз тушунамиз. Зеро, И.Каримов таъкидлаганидек "Маънавият узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир" , фикр, тафаккур, ҳис – туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади.

Мусиқа маданияти дарслари ўқувчиларнинг маънавий, бадиий ва аҳлоқий маънавиятини шакллантиришга миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишга, ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиришга, фикр доираси кенгайтиришга, ижодий изланишга, мустақиллик вак ташаббускорликни тарбиялашга хизмат қилади.

Мусиқа таълими Давлат таълим стандартлари асосида таълим мазмуни ўқувчиларининг мусиқий билим ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани мустахкамлаш, образли тасаввур қилиш уларда ижодкорлик, мустақиллик, ташаббускорлик бадиий ва мусиқий дид каби хислатларни ривожлантиришни таъминлайди.

Мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш ва мусиқа саводи машғулотлари дарсининг мустақил қисми эмас, балки дарс мавзусини очиб берувчи мусиқа фаолиятлари сифатида қабул этилади.

Мусиқа тинглаш, қўшиқ куйлаш орқали ёш авлодни маънавий дунёсини ҳар томонлама такомиллаштиришда улар ахлоқий тарбияни камол топтиришда мусиқа маданияти фани катта аҳамиятга эгадир.

## II боб. Мусиқа дарсларида ижодкорлик фаолияти.

### 1. Ўқувчиларнинг изланиш малакаларини ўстиришда ижодкорлик фаолияти

Ёш авлодни ижодий фикрлашга ўргатишга янги ва самарали йўлларни излаб топиш фақатўқитиш методикаси соҳаси тараққиёти учун эмас, баркамол шахс тарбитяисни амалга оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Турли методик манбааларда мусиқий билим олувчи ўқувчиларнинг ижодий фикрлашга ва ижодкорликка ўргатиш борасида гарчи йўл – йўлакай бўлса – да турли қарашлар мавжуд.

Масаслан, баъзи бир мутахассисларнинг фикрича, ижодкорликни шакллантириш учун болаларнинг билимини англаб ўтиш имкониятларини режалаштириб турли илмий ахборотьардан тўғри хулоса чиқариб олишга ўргатиш жараёни муҳим ҳисобланади. Ушбу назарий қарашнинг аҳамиятлитомони шундаки, ундан барча турдаги мусиқий машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Мусиқа ижодкорлиги фаолияти болаларда мусиқий тафаккур, изланиш ва ижодкорлик малакасини ўстира бориш учун катта аҳмиятга эгадир. Мусиқа дарсларида ўқувчиларни изланишнинг энг қулай усулларидан бири мусиқа машғулотларида ижро ва қиёслаш методидан фойдаланиш бўлиб, у қуйидагича амалга оширилади. Бунинг учун мусиқа ўқитувчиси муисқа дарсларини ўқувчи тарбиясига таъсирини ҳисобга олган ҳолда шартли равишда гуруҳларга ажратиш зарур. Мусиқа дарсларини гуруҳлаштирувда ўқувчининг мусиқа фонига муносабати инобатга олиниши шарт. Мана шу нуқтаи назардан ёндошилса, дарснинг таркибий қисми: мусиқа тинглаш, кейин мусиқа саводхонлиги ҳам ижро ва таққослашдан иборат бўлади. Айниқса дарснинг ижро ва қиёслаш босқичида ўқувчининг ўтилган мавзуси юзасидан билимлаври текширилади. Асар ижроси ўқувчи томонидан амалга оширилади. Ўқувчи ижроси намунадаги ижро билан таққосланиб таъкидма – таъкид унинг ютуқ ва камчиликлари таҳлили қилинмоғи зарур. Мусиқа таълимига бу усулда ёндошиш билим олувчини ўз усьида мустақил ишлашга, ўрганаётган асар юзасидан мустақил фикрлашга, мусиқий асар ижросига ижодий ёндошишга ундайди.

Мусиқа ижодкорлиги фаолияти синфдаги иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларга эътиборни кучайтириш, уларнинг бадиий эҳтиёжини қондириш учун жуда муҳимдир. Истеъдоднинг ўз вақтида намоён бўлишитарбияга ва қўллаб – қувватлашга боғлиқдир. Ёшлар истеъдодининг намоён бўлишига қобилиятларни аниқ таҳлил этиш, боланинг ўзига хос фазилатларини ҳисобга олиш ижодий қобилиятлар ривожини самарали амалаг ошириш учун зарур. Қобилияттларни ривожлантиришнинг даража ва босқичлари янгича муносабатлар билан боғлиқ бўлади.

Мусиқий қобилиятнинг маълум бир даражасиисталган ўқувчида шаклланган бўлиши мумкин. Бу эса ташкил этилган мусиқий тарбия ва ўқув жараёни шароитларида ривожлантирилади.

Ўқувчи ёшларнинг мусиқий қобилиятини ривожлантириш мақсадида истеъдод ва иқтидорни онгли рағбатлантириш, мукаммаллик учун шароит яратиш, уларнинг мусиқа санъатига бўлган

муносабатларини янадаўстириш, турли санъат тадбирларида иштирок эттириш, олимпиадалар, санъат байрамлари, танловлар, учрашувларга жалб этиш лозим.

Мусиқа ижодкорлиги фаолияти мусиқа ўқитувчиси ижросига доира, чертиб жўровозлик қилиш, тавсия этилагн куй оҳангига мос ҳаракатлар топиш, берилган шеър парчисига куй басталаш каби ижодкорлик амалиёлари билан бажарилади.

Мусиқа ўқитувчиси бирор мусиқани ижро этганда унга доира билан шерик бўлиш, аввало бирор ижро этилган куйга чапак билан жўр бўлишни ўрганишда бошланади. Чапак жўр бўлган бола кейинчалик қошиқ, сафоил каби урма асбобларда жўровозликни ўргангач доира билан секин -аста жўровозликни яхши ўрганиб, асар ижросига қўшилишга ҳаракат қилади.

Қўшиқ ижро этаётган вақтда ўқитувчи қўл ҳаракати билан одатда асарни таъкидлаш яъни қўлини пастга томон ҳаракатлантириб кучли ҳиссани, юқори томон эса кучсиз ҳиссани кўрсатиб қўшиқ куйлатади. Болалар эса ана шу ҳаракатга монанд равишда бошқа асарлага дирижёрлик қилиб, ўз истеъдодларини кўрсатиш мумкин. Боланинг бу ҳаракатларини кузатиб турган ўқитувчи дирижёрнинг меҳнатини, бунинг учун кўп ўқиш ва яхши мусиқий билимга эга бўлиши лозимлигини ўқувчиларга тушунтириб бориш керак.

Ўқитувчи жозибали куйлай оладиган истеъдодли болаларга бирор – бир кичикроқ шеърни қўшиқ қилб ёки ҳиргойи қилиб беришини сўраш мумкин. Баъзи қобилиятли болалар бу шеър парчасига янги куй басталай оладилар. Ёки илгари ўроганаган бирор қўшиқнинг мусиқасига мослаб бемалол куйлаб берадилар. Бундай ҳолат истеъдодли болалар томонидан мусиқа билан ҳаракатда ҳам содир бўлади.

Баъзан синф концертида ёки мактабда ўтказилаётган байрам тадбирларда ҳар қандай истеъдодли ўқувчи кўпчилик олдида саҳнада ўзини "йўқотиб" сир босиб қўшиқ матнини ёки рақсдаги ҳаракат семасини эсдан ьчиқариб қўйиши мумкин. Ана шундай ҳолда қўшиқ матнини мусиқий пауза пайтида зудлик билан тўқиб ёки рақс ҳаракатини вазиятдан чиқибкета олиши ана шу боланинг ҳам иқтидори ҳам истеъдоди ҳам ижодкорлиги ҳисобланади.

Мусиқа ўқитувчиси болалар томонидан ижод қилиб келинган куйга, қўшиққа, рақсга, мусиқа саводидан тузилган масалага ижобий муносабатда бўлиши, уларнинг ижодини қўллаб – қувватлаши ва рағбатлантириб бориш зарур. Буларнинг барчаси болаларнинг мусиқа санъатига бўлган меҳрини янада оширишга кўмак беради.

## 2. Мусиқа тинглаш орқали болаларда ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш

Мактаблар фаолиятини ҳозирги назарияси ва амалиётда ўқув тарбия жараёнининг янги йўлларини амалаг ошириш ва уни олиб боришнинг кўплаб вариантлари мавжуд. Ҳар бир мафллифлик ҳамда амалиётчи педагогик жараёни ўзининг индивидуал улушини қўшади. Лекин кўп янги технологиялар ўз мақсадлари, мазмуни қўлланиладиган методлари ва воситалари бўйича етарлича кўп ўхшашликларга эга бўлиш шу умумий белгиларига кўра тавсия қилинди.

- қўлланиш даражасига кўра;
- фалсафий асоси бўйича;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича;
- асосий ривожлантирувчи омил бўйича;
- шахсий белги сифатларига кўра йўналганлиги бўйича;
- мазмун хусусиятлари бўйича;
- бошқарув тури бўйича;
- ўқувчига ёндошуви бўйича;
- йўлланиладиган методлар бўйича;
- таълим олувчилар тоифалари бўйича;

Юқоридаги йўналишлар бўйича қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- қўлланиш даражасига кўра;

умумпедагогик;

- ривожлантирувчи омили бўйича: асосий эътибор жамиятнинг фаол иштирокчилари бўлган баркамол инсонларни тарбиялашга шахснинг ҳар томонлама ривожланишига қаратилган бўлиши;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича: ассоунатив – рефлектор бўлиб, намуна, ўрнак, ибрат кўрсатишга таянган ҳолда;
- шахсий белги сифатларига кўра йўналганлиги бўйича;
- ахборотли, янги шахснинг билим, малака, кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган;
- мазмун хусусиятлари бўйича: дунёвий, умумтаълим мазмунида бўлиб, таълим - тарбия жараёнидва фаолиятни ташкил қилиш ва олиб боришда дидактикага марказий ўрин берилади.
- бошқарув тури бўйича: анъанавий мумтоз (классик) бўлиб, унга таълимнинг техника воситалари қўшилган.
- бола ёндашуви бўйича: авторитар.

- кўп қўлланиладиган методлари бўйича: тушунтириш - илюстрациялаш
- таълим олувчилар тоифалари бўйича: оммавий ва бошқалар.

Мусиқа маданияти ўқув фани умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча ўқув фанлари, жумладан, адабиёт, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат ва бошқа фанлар билан боғланади. Барча ўқув фанлари қатори мусиқий таълимда ҳам давлат таълим стандартлари жорий этилган ва унда миллий мусиқа меросдан тўла қонли фойдаланиш имкони берилади. Булар халқ куй ва қўшиқлари амалиёти хонанада ва созандаларнинг ижодий фаолиятларида мақом, шошмақом, достонлар ва замонавий мусиқа мавзуларида ўз аксини топган. Мусиқа санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда уларнинг баркамол шахс бўлибетишишларига ўзига хос ва такрорланмас манбаа бўлиб хизмат қилади.

Шарқ, жумладан, ўзбек мусиқа таълим – тарбияси педагогикаси азалдан “устоз ва шогирд” анъаналари мисолида такомиллашиб келган. Кейинчалик эса ўқитувчилар асарларни шогирдларига нота ёзувлари орқали ўргата бошлаганлар. Қадимги Грецияда эса мусиқа инсондаги донолик, ижодкорлик, мардлиу хусусиятларини тарбиялаш мумкин деб ҳисобланган. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир санъат инсонга руҳий таъсиркўрсатади. Уни ҳам санъаткорларде ижро этишга, ижод қилишга етаклайди. Айниқса, мусиқа инсон руҳиятига эмоционал таъсир этишда катта кучга эга.

Мусиқа таълим бошқа фанлар каби тарбиянинг асосий вазифасини бошқара олади. Шу билан бир қаторда мусиқа ёшларнинг жаҳон халқларининг умуминсоний мусиқа қадриятларини ҳам чуқур ўргатишни халқаро нуфузга мойил бўлган маданий дурдоналардан баҳраманд бўлишини таъминлайди. Мусиқа санъати сифатида ижтимоий онг шаклидир. У кишини ҳис – туйғуларини ифодалаш билан бирга у ҳаёт воқелик ва давр инъикосидир.

Мусиқа дарси жараёнининг асосий омиллари яифатида қуйидаги фаолият турлари мавжуд: мусиқани эшитиб завқланиш, қўшиқ ижро этиш, мусиқа саводига оид билимларни англаб олиш, рақсга тушиш ва мусиқа сирлари остида турли ҳаракатларни бажариш, чапак ва чолғу асбоблари ижросини мақсадли идрок этиб боришдан иборат. Юқоридаги мақсадни амалга оширишда энг аввало ўқувчиларни тинглай олиш маданиятига ўргатиш керак. Мусиқий вазифаларини бажариш уни амалга ошириш учун ўқувчиларни

тинглашга ўрташ зарур. Одамларни аксарият кўпчилиги жиддий мусиқани тинглашмайди, чунки, уни тушунмайди. Тушуниш учун эса тайёргарлик талаб этилади. Агар тайёргарлик кўрилмаса билим ҳам бўлмайди. Тинглашга ўргатиш қўшиқ ижро этишдан мураккаброқдир. (Масалан симфоник мусиқалар, опера ва бошқалар) ўқувчиларни дунёқарашини кенгайтиради ва мусиқий дидни тарбиялайди. Кўп сонли саводхон тингловчиларни тарбиялаш учун мусиқани севувчиларн болалигидан мусиқани тушунишга ва севишга ўргатиб бориш лозимдир. Мусиқани севиш бу мусиқани доим тинглаш ва уни онгли идрок этиш демакдир. Аввалом бор ўқувчиларни тинглаш ва бошдан оҳиригача асарни тинглашга ўргатиш керак. Ўқитувчи ўқувчиларга асарни тинглаш жараёнида нималарга эътибор бериш лозимлигини айтиб ўтиш зарур. Ўқитувчи тинглаш давомида раҳбарлик қилиши лозимдир. Ўқитувчи тинглаётган асар мазмуни орқали ахлоқий эстетик тарбия бериш лозим. Мусиқа тинглашга ўргатишда ўқитувчи олдига қўйиладиган вазифалар:

- мусиқа санъатига ҳавас уйғотиш;
- мусиқа тинглаш ва амалий воситалар орқали уларни қизиқтириш;
- болаларда мусиқий эҳтиёжни кучайтириш;
- ўқувчиларда бадиий – ижодий таассуротларни тўплаб бориш.

Жамият тараққиёти ҳеч қачон тўҳтаб қолмайди, унинг ғилдираги доимо олдинга қараб айланаверади, бу табиий ва тарихий жараёндир. Шунинг учун ҳам мусиқа маданияти ўқитувчиси ўқувчиларни маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятини шакллантириш, миллий ғурур ва ватанпарварликтарбиясини амалга оширишини ижодий маҳоратни, нафосатда бадиий дидини ўстириши, ижровий фикр доирасини кенгайтириши, мустақиллик ва ташаббускорликни мунтазам равишда шакллантириб бориш лозимдир. Биз биламизки, педагогика тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиянинг моҳиятини тушунишини, унинг қонунларини очиб бериши ва шу орқали инсон мафаатлари тарбия жараёнига таъсири ўтишини назарда тутади. Мусиқа маданияти ўқитувчининг педагогик маҳоратларидан энг аввало биринчиси таълиа – тарбия соҳасида орттирилган тажрибаларни ўрганиши, илғор ўқитувчилар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолияти ҳам ўрганиб борилиши лозим. Бу албатта кўпгина муаммоларни ҳал этишдан яқиндан ёрдам беради. “Кадрлар тайёрлаш бмиллий дастури” да кўзда тутилгандек, замонавий ахборот технологиялари

ва компьютер тармоқлари негизида таълим жараёнини ахборот билан таъминлаш ривожланиб бормоқда. Фан ва таълимнинг нашриёт баъзаси ривожланади. Ўқув –услубий, илмий иновацион, замонавий технологиялар мукаммаллашиб,ўқув жарёнига тадбиқ этиб бориляпти. Ўқувчининг дарс самарадорлигини ошириш учун иновацион технологиялардан фойдаланиш яқиндан ёрдам беради. Педагогик технололгия жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчи мустақил равишда билим олади, ўрганади, ўзлаштиради. Жумладан: “Ноталар оламига саёҳат” – ушбу технология бошланғич синфларда ўтказилади. Синф ўқувчилари билан ноталар ҳақида суҳбат ўтказилади ва кўргазмали қуроллар ёрдамида қайси чизиқда ёзилиши кўрсатилади ва ёздирилади.

НОТАЛАР

Янги метод ва технологиялар билан бир вақтда мусиқа маданияти дарсида ўқувчининг сўз маҳорати юксак даражасида бўлиши лозим. Ўқитувчининг асар ҳақидаги кириш сўзи ва дарс мавзусини тушунтириб берши, ўқувчиларни ажойиб ва сеҳрли санъат – мусиқа оламига олиб киради ва қизиқарли суҳбат билан болалар диққатини мусиқа мавзуларига йўналтириш мумкин.

Янги метод ва технологиялар бир вақтда мусиқа маданияти дарсида ўқитувчининг сўз маҳорати юксак даражада бўлиши лозим. Ўқитувчичнинг асар ҳақидаги кириш сўзи ва дарс мавзусини тушунтириб бериш, ўқувчиларни ажойиб ва сехрли санъат – мусиқа оламига олиб киради ва қизиқарли суҳбат билан болалар диққатини мксиқа мавзуларига йўналтириш мумкин. Ўқитувчининг мусиқа асари ҳақидаги ҳикояси қисқа ва қизиқарли бўлиш керак. Шунингдек, ўқувчиларни бадиий идрок этишга эриштириш лозимдир. Жумладан, уч дақиқали қизиқарли ва образли ҳикоя бир неча соатлизавқли амалий машғулотни таъмин этади.

Дарс давомида ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқотда бўлган усулни қўлласа, мусиқа ҳақида тўғри хулоса ва мулоҳаза юритишга ёрдам беради.

Миллатнинг келажаги ҳисобланган ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс бўлиб вояга етишишида, уларнинг таълим – тарбияси, маъанавий камолоти масаласи даражасига кзтарилиб, бу йўлда қатор мақсадли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаш жараёни жадаллашиши муносабати билан ёш авлодни маънавий – ахлоқий тарбиясининг аҳамияти беқиёсдир. Айниқса, бугунги техниканинг мисли кўрилмаган даражада авж билан юксалиши даврида мутахассислар

олдида ёшлар қалбига мусиқанинг ижобий ҳислатларини тўғри сингира олишдай муҳим вазифа турибди. Жумладан, ҳозирда кўплаб ёшларимизнинг Ғарбнинг тало – тўн, шовқин – суронга бой, тушинарсиз мусиқасини тинглаш, бунинг оқибатида ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажагига салбий таъсир кўрсатишини англаб, бунинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш зарурдир.

Мусиқани тўғри тинглай билиш ва ундан эстетик завқлана олиш ҳам санъат ҳисобланади. Инсонда мусиқа тинглаш маданияти ёшликдан ривожлана бошлайди. Бу борада айтиш мумкинки, ҳали она қорнидалик давридаёқ ўсиб келаётган ҳомила ташқаридан эшитилган мусиқани тинглай олади. Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, мумтоз, хусусан Шарқ халқларининг мумтоз куй ва ашулалари, жаҳон классик оҳанглари ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонга ижобий таъсир кўрсата олади. Аксинча, ўзида тўпалон, шовқин – суронлкни акс этирган мусиқий гуруҳларнинг “Асар” лари инсонда жирракилик, тезлик каби салбий хислатларни ривожлантиради. Шу сабабли умумтаълим мактаби мусиқа маданияти фани ўқитувчиси мусиқа дарсларида болаларда мусиқани тўғри тинглай олиш маданиятини шакллантира олиш зарур.

Ҳар бир халқнинг миллий куй ва қўшиқлари мавжуд. Лекин ёш авлодни комил инсон бўлиб,уларда ижрочилик ва ижодкорлик малакаларини шакллантира олишга таъсир қиладиган ўзбек, халқигагина мансуб бўлган бой мусиқий мероси алоҳида ўрин тутади. Баркамол авлод тарбиясида халқимизнинг орзу умидлари, ҳаётий кечинмалари, маънавий дунёсини ўзида акс эттирган алла, лапар, меҳнат ва маросим ҳамда  бошқа халқ қўшиқлари муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Анашундай бой меросни ўсиб келаётган ш авлодни онгига сингдириш бугунги кун мусиқа маданияти фани ўқитувчисининг олдидаги бурчлардан бири бўлмоғи шартдир.мазкур фаолият турини кенгайтиришни тўғри йўлга қўйишни аввало оиладан, мактабгача таълим муассасасидан, бошланғич синф давридан бошлаш мақсада мувофиқ ҳисобланади.  Бунинг учун таълим муассасасининг мутахассиси турли фаолият шакллардан фойдаланиш зарур. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида мазкур жараённи ўйин кўринишда ташкил этиш мумкин.

“Оҳангни топинг” – билағонлар орқали кичик ёшдаги ўқувчиларнинг мусиқа тинглаш бўйича эгаллаган билим, малака ва

кўникмаларини шакллантириш, кенгайтириш мумкин. Ўйинни ташкил қилишдан олдин болалар диққати бир жойга жалб қилиниб, ўйиннинг моҳияти тушунтирилиб берилади. Бу ўйинни кичик гуруҳларга тузиб, мусобақа тарзида ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Асосан, ўзбек халқ куйи ва қўшиқларидан берилган парчалар ўқувчиларни фикрлашга, ўйлашга ундайди. Ўқитувчи доимий равишда ўқувчиларга уйга вазифа қилиб уйда телевидение, радио орқалитинглашган куй ва қўшиқларни таҳлил қилишни топширса, бу ҳолат ўқувчиларни доимий равишда мусиқани тўғри тинглай олш маданиятини шакллантириш ва мусиқани тўғри танлай олиш малакаларининг ўсишига ҳам олиб келади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг мактабдан ва синфдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишда турли мавзудаги тадбирларнинг ташкил этили ҳам мақсадага мувофиқ ҳисобланади. Масалан: “Миллий куй ва оҳанглар кечаси”, “Сиз мусиқани биласизми” викторинаси, “Оҳанглар эзгуликка етаклар” сингари бадиий – мусиқий тадбарлар орқали ўқувчиларнng бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бир қаторда уларни мусиқани тинглай олиш маданиятини ҳам ривожлантиради.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида мусиқий тарбиянинг нақадар улкан омил эканлиги янада аён бўлиб бормоқда. Шундай экан, ёш авлодни бой мусиқий меросиимзни ўрганишга, енгил – елпи, тумтароқ оҳанглардан қочиб, уларнинг бадииий дидини, ижрочилик ва ижодкорликмаданиятини кўтаришга, маънавий оламини кенегайтиришга ҳаракат қилмоғимиз керак. Бу борада “Шошмақом” сингари миллий меросимизни ноёб дурдоналари билан бир қаторда жаҳон тан олган Моцарт, Бетховен, Бах, Чайковский, Рахмаников, Хачатурян каби буюк композиторларнинг дурдона асарларини ҳам ўз вақтида ўргатиб, тушунтириб боришимиз зарур.

Буюк ёдгорликлар маданий ва маънавий меросимизни авайлаб асрашимиз, ёш авлод тарбиясида мусиқа санъатининг энг нодир дурдоналаридан тўлақонли фойдаланмоғимиз лозми.

### 3. Мусиқага ритмик жўр бўлишда ва ритмик ҳаракатларда ижрочилик ва ижодкорликка эришиш.

Мусиқа ўқитувчиси ўз дарсларини шундай режалаштириш лозимки, у ҳар бир дарсда ўзбек халқ чолғу асбобларидан намуналар (ҳеч бўлмаганда рангли расмини) олиб кирсин. Биринчи дарсда мусиқа асбоби билан таништирилса ва бирорта куй ижро

этиб берилса, иккинчи дарсда бир – икта жонли ижро ва магнит тасмасидан ёки дискетдан шу асбобда ижро этилган асар эшиттирилади. Учинчи дарсда эса ўқитувчи ўзбек халқ куйларидан бирортасини намунавий чалади, болалар чапак, сафоил, қошиқ , қайроқлар бидан жўр бўлади. Муну шу ерда бир ьнарсани айтиб ўтиш жоизки, ўзбек мусиқа асбобларининг кичрайтирилган шакли мавжуд бўлмаганлиги сабабли дарс жараёнида катталарнинг айрим урма – зарбли асбобларидан қўолган пайт эса муайян товуш боландлигига эга бўлмаган мусиқали ўйинчоқ асбоблар: шақилдоқлар, қалддироқлар, шилдироқлар, усул берувчи таёқчалар, ёғоч қошиқлар, ликопча қутичалар, мусиқали болғачалар, қарсилдоқлар, дўлонча, турфа қўнғироқчалардан: шунингдек фақат битта товуш баландлигига эга бўлган мусиқий ўйинчоқлар: Қуш хуштак, лой ҳуштак, данак ҳуштак, булбулча, сурнайча ва бошқалардан ижодий фойдаланиш тмумкин. Яна дарсда катталар фойдаланидан асбобюлардан сафоил, қошиқ , қайроқ , ноғора, доиралар қўл келади. Яхши ижрочиликка албатта дарслар давомида болаларга жўр бўлишни ўргатиб бориш билан эришилади.

Бошланғич синфлдари ўқувчиларга ўзбек мусиқа чолғу асбобларини таништириш чолғу асбоблари бўйича амалга оширилади. Масалан: аввало пуфлаб чалинадиган асбоблар (най, қўшнай, сурнай, карнай) билан, кейин жаранг торли мусиқий урма асбоблар чанг билан, сўнгра черти ва тирнаб чалинадиган мусиқа асбоблари (қашқар рубоби, танбур, дутор) билан ва ҳоказо.

Мусиқа ўқитувчиси томонидан дарсга ўзбек мусиқа асбобларидан намуна олиб кириш болалар учун дарснинг энг қизиқарли қисмидир. Чунки катталар чолғу асбоблари жонли ва ҳақиқий мусиқа асбобт сифатида ҳар бир болани қизиқтиради. Мусиқа асбоблари биринчи навбатда, боллаларда ижрочилик элементлари орқали ижодкорлик ва тмусиқа қобилиятларн равнақи учун муҳимдир. Болалар шундоқ ҳам ҳовлисида, оилада супурги, лопатка (бел), пақирларни “ўхшатиб” чилишлари уларнинг ижодкорликларидан ва мусиқа асбобларига ўта ьқизиқишларидан дарак бериб туради.

Мусиқа асбоби ўқитувчиси томониавдн чалнса, болалар ўзларини намойиш қилишларига, дарсда фаол бўлишларга ёрдам беради. Дарсга олиб кирилган мусиқа асбоби ўқитишда кўрсатмали дидактик қўлланма бўлиб, ўқитувчига болаларнинг мусиқали – енсор қобилиятларини ўстиришда ижодкорлигига ижодий таъсир

этишда, уларни мусиқа саводиннг элементлари билан таништиришда ёрдам бериш мумкин.

Ўқитувчи кузатиш натижасида синф болаларининг истеъдоди ва имкониятларни ҳисобга олиб, болалардан кичик ансамбль ёки аркестрда иштирок этиш маълум асбобларнинг мавжуд бўлиши ва қуйидагилардан иборат ўқитувчи талаб қилади. Мусиқа асбобларининг номи чалиниш характери, йўғон ва ингичка (паст ва баланд) товушларнинг жойланишини, фойдаланиши ва муомалада бўлиш қоидалари билан, чалиш усулларни эгаллайдилар, улар мустақил ва ансамблда умумий динамика темпга риоя қилиб, ўз йўлларни вақтида бошлаб ва якунлаб қўшиқларни ва ўйинларни ижро этишлари мумкин.

Ишнинг яхши текширилган методлари – кўрсатиш ва оғзаки тушунтириш қаторига янгилари қўшилади. Бола ўзига берилагн асбобни ўқитувчи кўмагисиз чалиш, у ёки бу асбобларнинг чалинишини эслаш, ижодий топшириққлар бажариш ва шу кабилар тавсия қилинади.

Мусиқа асбобларини навбатма – навбат ўзлаштириши керак. Аввал болалар асбобни, масалан, доирани чалиш билан таништириб, бир неча дарс давомида икки – уч асарга жўр бўлишни ўргатиш мумкин. Баъзан чолғу асбобини болалар биргаликда кўриб чиқиб, хато қилганларида тузатиб, уни чилиш усулини мустақил топишини топшириш ҳам фойдали бўлади. Бунда ритм – усул берадиган асбобларни бир вақтда ўзлаштириш мумкин.

Илк босқичдаёқ болани ансамблда иштирок этиши зрур бўлган ҳамкорликдаги уйғун ҳаракатларга ўргитш лозим. Шу мақсадда ўзига хос “ритмик аркестрлар” тузилиб унда болалар чапак чалиб, оёқларини тапиллатиб, таёқчалар, бўш ёки майда тош, нохот тўлдирилган қутичаларни тақиллатиб чалишади. Бу ерда ҳам турли овоз бериш шакллантирилади. Агар кафтларни ясси ҳолатда бўлса, овоз аниқ ва жарангли чиқади. Бир қўлни узатилган ёки сал букилган бармоқлари билан иккинчи қўлнинг кафтига уриб овоз чиқаришни ўзгартириш мумкин. Тапиллатиш бутун оёқ билан, оёқ учи билан, пошна билан ҳосил қилинади, сонга кафт, панжанинг барчаси болаларни жалб қилиб, турли ритмик топшириқларни тўғри бажариш ва мусиқа асбобини чилиш малакаларини эгаллаш имконини беради. Албатта бу машқларни бажараётган вақтда қаъиятлиликни ва тартиб – интизомга онгли ҳолда бўйсиниш ўқувчилардан талаб этилади.

Тажриблар дарсда урма чолғу асбобларидан дора, ноғора, сафоил, қайроқ, қошиқ кабилар бўлиши яхши натижа беришини кўрсатмоқда. Ўқитувчи рубоб (дутор, ғижжак ёки бирор асбоб) да ўз бек халқ куйларидан болалар чалади ва бунча болаларнинг чапак билан жўр бўлишларни таклиф этади. Аввалдан ўқитувчи ким чиройбли ва тўғри чапак чалса, “мукофот” ига стол устига териб қўйилган урма чолғу асбобларида чалиб, мусиқага жўр бўлажагини айтиб қўяди. Агар чалиб берадиган куйи магнит тасмаси ёки дискетда бор бўлса, уни эшиттиршга қўйиб, чапак чалиш усулларини аввал ўзи кўрсатиб берса самара яхши бўлади. Сўнгра ўзи куйни ижро этиб, барчани чапак чалиб жўр бўлишга таклиф этади ва ижро жараёнини диққат билан кузатиб, болаларга урма халқ чолғу асбобларини тарқатади. Биринчи ижродаги ютуқ ва камчиликлар тушунтирилгач чолғу асбоблар тарқатилади. Мазкур ижро аввал чолғу асбобларида чалиб жўр бўлиш йўлга қўйилгач, қолган болалар чапак билан жўр бўлишлари таклиф этилади.

Чоғу асбобларида чалишга ҳам интилади, албатта. Шунинг учун чолғучилар алмаштириб турилади.

Вақти келиб болаларда мазкур ижроларда яхш кўникмалар ҳосил бўлгач, усул структураси ва ижрочилик турлари бир оз мураккаблаштирилади. Масалан, “Андижон пўлкаси” га чолғуларда чалиш ва чапак билан биргаликда оғизда “Бум – бак, бакка - бум” деб усулд бериб ҳам жўр бўлиш мумкин. Айни ҳолда синфни иккига бўлиб, биринчи гуруҳ чапак ва чолғуда, иккинчи гуруҳ эса овозда усул бериш билан жўр бўлишлари, ҳатто синф соҳасига ҳоҳловчи болаларни рақс бажаришга ҳам таклиф этиш мумкин. Бошқа бир вақтда ўқитувчи доирада “Бум бак - ка” усулини аниқ ва текис чалиб туради. “Бум” га биринчи гуруҳ болалари, “бак-ка” усулига эса иккинчи гуруҳ болалари жўр бўладилар.

Куйнинг докада кўрсатиладиган график сурати ва унинг ритмик тузилмасига тенг чорак ва нимчорак ноталар образлари билан танишгач, бундай машқларни доскада картьочкалар воситасида яратилагн куйнинг ритмик тузилмасига қараб бажариш осон бўлади. Бундай дарслар, аввало дарс мазмунини қизиқарли қилади, уларни ўзбек халқ мусиқа асбоблари олими билан таништиришларига ёрдам беради, ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиради, уларда ижодкорлик, ижрочилик малакалари ва мусиқа – ўқув қобилиятлари ҳар томонлама ривожлантиришни таъмин этади. Умуман олганда, дарсда ўзбек халқ  чолғу асбоблари

билан танишиш ва чалиш ишини амалга оширишда ўқитувчидан катта ижодкорлик ва топқирлик талаб этилади.

Мусиқа дарслари жараёнида мусиқавий ритмик ҳаракатларни бадариш фаолияти ўқувчиларнинг мусиқавий қобилиятлари, хусусан рит – усул туйғуси ва асар бадииятини ҳаракатларда ифодалаш малакаларини ривожлантириш учун ҳам муҳимдир. Бу айниқса, бошланғич синф ўқувчилари учун ниҳоятда зарурдир. Чунки ёш болаларннг меъёрий ривожланишида ҳар қандай ҳаракат турлари муҳим рол ўйнайди. Бу борада мусиқа дарслари мазмунида катта имкониятлар мавжуд ва мусиқа дарслари ўзининг мазкур хусусиятлари билан ҳам бошқа фанлардан ижобий фарқ қилади.

Маълумки, жисмоний тарбия дарсидан ташқари бошқа фанлар дарслари давомида ўқитувчи вақти – вақти билан ўқувчиларнинг руҳиятини ҳисобга олиб, дарс мазмуни ва болаларнинг фикрлаш жараёнини тўхтатиб ҳаракатли паузалар ўтказадилар. Мусиқа дарслари бундан нафақат истиснодир, балки мусиқали ҳаракат турлари ўрганилаётган асарни ҳарактери, бадиий образлари, ифодавий ва ижро хусусиятларини чуқур ҳис этиш ҳамда улар маълум даражада ижодкорона ифодалаш учун ҳам муҳимдир. Ана шунда дарс бошидан охиригача узилмайди ва мантиқан бир бутунликни ташкил этади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўзбек халқи миллий рақс санъати билан дунёга донг таратган. Аммо мактаб таълим – тарбияда рақс сабоғи деярли йўқ даражадалигини назарда тутсак, мусиқа дарслари мазмунида миллий рақс усулларини болалларга ёшликдан ўргатиш нақадар зарурлиги маълум бўлади.

Шу сабали мусиқа ўқитувчиси миллий рақс санъатимизнинг оддий ҳаракатларни билиши яъни ижро эта олиши ва дарсда қўллаш усулларни пухта эгаллаши зарурдир.

Бошланғич синф ўқувчиларининг юриш, югуриш, сакрашда ҳаракат координлцproperties яхши шаклланган бўлади. Улар ўз ташаббуслари ва жондиллари билан турли ашёлар – копток, таёқча, байроқча, сунъий гуллар, ленталар ёрдамида ёки оёқларини тапиллатиш, қўлларни силташ билан кўплаб таниш мусиқаларига ҳаракатлар туза оладилар.

Мусиқа билан ҳаракатнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда болаларни ритмни ҳис қилиши фаоллашади, уларнинг ҳаракати мусиқанинг мазмунига уйғунлашади. Ҳаракат вақти болаларда ижодий фантазия кучаяди.

Вақт ўтиши билан боладаги ҳаракат фаолиятининг хусусияти ва мазмуни анча ўзгаради. Болалар шу даврда  ҳар хил ҳаракатлар, энг оддий эрмак ўйинлар мусиқа билан ҳаракатлар ҳамда тўғри ҳаракат қилиб юришнинг  айрим усуллари катта ўрин тутади. Болаларда ҳаракат фаолияти такомиллашиб боради, сюжетлт ролларга бўлиниб ўйналадиган ҳаракатли шаклланади.

Ўқитувчининг вазифаси болалар ҳаракат фаолиятини шундай ташкил этишдан иборатки, улар мактаб фаолияти даврида риволантиришлари зарур бўладиган ҳаракатларнинг уйғунлаштириш маънодаги анча мураккаброқ янги шаклларини тобора фаол равишда эгаллаб, ўзларида бундай зарур сифатларни шакллантириш учун тинмай машқ қилиб борсинлар.

Болаларнинг психик ривожланшидаги ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги туфайли уларни турлиҳаракатларга ўргатиш вақтида кўргазмалилик катта аҳмият касб этади. Мактаб болалари аниқ фикрлаш, ижод ва тафаккур қилиш қобилиятига эга бўладилар. Ҳаракатларни товуш орқали, масалан: мусиқа, қўшиқ, саноқ ўйинлар ўйинлари ёрдамида тартибга солиниши машқ хусусиятларини, уларнинг суръати ва маромини ифода қилиб, болаларда кўтаринки руҳ пайдо қилади.

Дарс мазмунида қуйидаги ҳаракат турларидан фойдаланиш тавсия этилади.

А) марш мусиқалари остида қадам ташлаш, югуриш, сакраш;

Б) рақс элементларини бажариш;

В) мусиқали ўйинлар ўтказиш;

Г) мусиқанинг характерлари (регистрлари, уч товушликлари, куй товушларининг горизантал – схематик тузилмаси, ритм – усул тузилмалари) ни қўл ва тана ҳаракатлари билан ифодалаш;

Д) мусиқа ўлчовлврини оддий такидлаш (дирижёрлик қилиш) ва бошқалар.

Бундай ҳаракатлар болаларда вужудга келадиган ақлий жисмоний толиқишни тарқатиш, болаларни мусиқа дарсларига қизиқтириш ҳамда дарсни мазмунан бойитиш учун ҳам муҳимдир. Мусиқали ҳаракат турлари мусиқа остида синфга киришдан то мусиқа остида синфдан чиққунга қадар алмашиб туради.

Рақс ва мусиқали ритмик ҳаракатларни бажаришда мусиқа жўрлигининг ижро турлари ва чолғу асбоблари намуналаридан тўғри фойдалниш лозим. Яна ҳаракатларни амалга оширишда мусиқа фонаграммаси ва ўқитувчининг жонли ижроси ҳам қўл келади. Жонли ижро ҳам чолғу асбобларида бажарилса болалар

кўпроқ қизиқади. Ракс намуналарини бажарганда доира чертиб усул бериш яхши натижа беради. Зотан, ўзбек халқ чолғу асбобларидан тўғри фойдаланиш дарснинг миллийлик асосларини ташкил этиш учун ҳам зарурдир.

Хулоса шуки, ракс мусиқалари ўқувчиларнинг дарсда ваоллигини оширади. Энг муҳими шундаки, ракс ва ритмик ҳаракатлар воситасида болаларда муксиқа иқтидори, айниқса эркин рақсларда ритм туйғуси, ижодкорлик истеъдоди фаол ривожланади ва хусусан, ҳар бир боланинг мусиқа ўқув қобилиятлари даражаси яққол намоён бўлади.

## 4. Ўқувчиларда ижодкорликни камол топтиришда мусиқа дарсининг аҳамияти ва ўқитувчининг роли.

Дарс – мактабдаги ўқув ишининг ташкилий шакли бўлиб, унда ўқитувчи аниқ белгиланган вақт доирасида ўқувчиларнинг доимий гуруҳи – синф билан қатъий жадвал бўйиа шуғулланади, жамоа билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув дастурига мувофиқ ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиши учун хилма –хил методлардан фойдалнилади.

Ўқитиш жараёнини ўқитувчи билан шуғулланувчиларанинг бирор мақсадга қаратилган, изчиллик билан ўзгариб турадиган ўзаро боғланган фаолияти деб қараш мумкин. Бу фаолият давомида шуғулланувчиларнинг маълумот олиш, рвожланиш ва тарбиялаши вазифалари ҳар этилади.

Мусиқа дарсида ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабат жаараёни шахсий алоқага асосланган. Мусиқа ўқитувчиси дарсда истизносиз барча ўқувчиларнинг мусиқий фаолиятларини йўллайди ва назорат қилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлари орасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро назоратни қўллаб – қувватлайди. Ўқитувчининг дарсдаги иши барча ўқувчиларнинг дарсининг ўзидаёқ ўрганилаётган билим асосларини эгаллашлари, зарур кўникма ва малакаларини ҳосил қилишлари учун замин яратади.

Ҳар бир мусиқа дарси ўқувчиларни янги билимлар билан бойитиш, уларнинг онг – билим доираларининг кенгайтириши, муксиқий кўникма ва малакаларини шакллантириши ёки илгари ўрганганларинитакомиллаштириш керак. Ўқувчилар дарсдан – дарсга гўё поғонадан – поғонага қадам қўйгандек билимининг чеки йўқ карвонидан олға илгарилабборадилар.

Мусиқа дарсларида ўқувчиларни мусиқа соҳасида ҳар томонлама ривожлантиришни назарда тутилади, уларнинг мусиқавий маданиятига замин яратилади.

Мусиқа дарси мусиқа ижодининг қувончини англаш туйғусини беради. Гўзаллик, дахлдорлик туйғусини композитор ёки халқ мусиқа асарига жо қилган ахлоқий – эстетик мазмундан ҳузурланишқобилиятини шакллантиради. Дарсда ижодий фаолиятнинг бир – бири билан мустаҳкам боғланган ҳамма турлари самарали бўлади.

Айни вақтда дарс ўзининг мазмуни методлари ва ташкил этилиши билан ўқувчиларга тарбиявий таъсин кўрсатиб, уларда илмий дунёқарашни, ғоявий эътиқодни шахснинг маънавий сифатларини шакллантириб катта тарбиявий қимматга эга бўлиши зарур.

Дарсда ўқувчиларни тарбиялаш ўқитиш, ривожлантириш, ижодий камол топтириш, уларга таълим бериш биргаликда ва ўзаро алоқада амалга оширилмоғи керак. Биз мусиқа педагогикасининг ғоят муҳим тамойилларидан бирдир.

Мактаб ўқувчиларини профессионал мусиқа фаолитига тайёрлайди. Бироқ мусиқани тушуниш уни идрок қилиш ва ундан ижодий тасирланиш қобилияти ҳар бир ўқувчига, у келажакда профессионал мусиқачи бўладими ёки мусиқа маданиятининг ғоят хилма –хил шаклларда мусиқавий – эстетик фаолиятнинг асосий биолимларига, кўникма ва малакаларига эга бўлган яхши тайёрланган тиргловчи бўлиб қоладими, бундан қатъий назар хос бўлмоғи лозим.

Ҳозирги вақтда мусиқа дарсига қўйиладиган талаблар қуйидагиландан иборат.

1. мусиқа дарсига таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш функцияларининг комплекс тарзида амалга оширилишини назарда тутади. Ўқувчининг шаклланишига доир барча жиҳатларга таъсир ўтказади.

Ўқувчининг мусиқий билимларини ошириш билан бирга ақлий қудрати ва қобилиятларини ривожлантиради, ижрочилик маданиятини ва ижодкорплик салоҳиятини оширади, дунёқарашини, ахлоқий, эстетик иродавқий фазилатларини меҳнатга муносабатини ривожлантиради.

